# ЮКСАК МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқ мустақиллик даврида она тилида муомала қилишда, иш юритишда катта ҳуқуққа эга бўлди. Лекин унда ҳуқуқий онгнинг етарли даражада шаклланмаганлиги туфайли у кундалик турмушда, ҳар қадамда, ишда улуғвор тил ҳуқуқидан фойдаланмаяпти. Айтайлик, унга рус тилидаги ҳужжатлар билан мурожаат қилишади. У ҳам беихтиёр шу тилдаги ҳужжатлар билан жавоб қайтаради. Ўзбек тилида иш юритиш мумкинлиги, иш юритиш ўзбек тилига ўтиб бораётганлиги хаёлига ҳам келмайди. Айниқса, баъзи раҳбар ходимлар ўз ташкилотида қайси тилда иш юритилаётганига бефарқ бўлиб қолди. Қўл остидаги ходимлар давлат тилини ўрганяптими, ўрганмаяптими, парвосига келмайди. Уларнинг ҳузурига рус тилини яхши билмайдиган фуқаро келганида, улар билан қандай муомала қилишаётганини ҳам назорат қилмайди. Бундай раҳбарлар ўзбек фуқаролари ёхуд расмий ташкилотларнинг ўзбекча мурожаатига ходимлари рус тилида тайёрлаган жавобларга бемалол қўл қўйиб жўнатаверади. Ҳар бир ташкилот ҳужжатгоҳидаги расмий ёзишмалар билан қизиқсангиз, бунга истаганча мисол топасиз. Бундай ҳоллар Давлат тили ҳуқуқини амалга ошириш нари турсин, аксинча, тил ҳуқуқсизлигини, тил мутелиги кайфиятини яна қайтадан келтириб чиқаради. Шундай ходимлар ва раҳбарлар ишлайдиган идораларга иши тушиб борган фуқаро, албатта, рус тилида мурожаат қилишга мажбур бўлади. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 4-моддасига биноан, **«Фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади»**. Ҳа, давлат тили бепул ўргатилади-ю, унинг натижаси билан қизиқилмайди. Ҳар бир раҳбар ходимларини давлат тилига ўқитдими, ундан қатъий амал талаб қилишга қонуний ҳақи бор. Кўпчилик ташкилотларда ўзбекча андозалари яратилган ҳужжатларни излаб топиш, таомилга киритишга ҳафсала қилинмайди. Собиқ иттифоқ давридан қолиб кетган йўриқномалардаги расмий иш қоғозларидан фойдаланилаверади. Бу ҳам ҳуқуқий маданиятнинг оқсашидан далолат беради. 5 июнь куни Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида Президент шундай бонг урган эди: **«Рус тилидаги адабиётлар асосида она тилини билмайдиган нўноқ мутахассислар тайёрлаганимиз етар. Бу ҳолда давлат тилига қачон ўтамиз? Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватан ва халқига садоқат белгиси эмасми?»** Давлат тили ҳақидаги қонунни ана шундай талаб ва масъулиятдан келиб чиқиб амалга ошириш раҳбардан тортиб оддий фуқарогача, миллатидан қатъи назар, бутун халқда юксак ҳуқуқий маданият, Ватан ва халққа садоқат туйғуларини тарбиялаши шубҳасиздир.

Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 15-моддасига кўра, **«Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар»**. Ушбу модда Ўзбекистон фуқароларининг мустамлака даврида минг бир кўйга солиниб ўзгартирилган, бузилган номларини аслиятига мувофиқ тиклаш ҳуқуқини кафолатлайди. Халқимизда «Ном-номус» деган нақл бор. Демак, миллий номларимизнинг топталган номусини оқлаш имконияти берилган бизга. Номларимизнинг бузиб айтилиши ва ёзилишига миллий ориятимиз ортиқ йўл қўймаслиги керак эди. Аммо янги олинган мустақиллик паспортларини бирров кўздан кечиринг. Аксариятида мустамлака асорати бўлмиш «-ов», «-ев», «-евич» қўшимчалари, номларнинг маънолари бузилишига олиб келган қўпол хатолар эски паспортлардагидай айнан сақланган. Ахир, миллий ғурур қаёқда қолди? Ғурурингизни тиклаб олинг, дея ҳуқуқ берилса-да, биз унга лоқайдлик, ялқовлик, ҳафсаласизлик билан жавоб берсак. Номларимизнинг нафосатини, мазмундорлигини тиклаш учун фуқароларнинг ўзлари ҳам, ички ишлар бўлимларидаги ходимлар ҳам бир оз кунт ва ҳаракат қилсалар, яхши бўларди. Кейинги пайтларда ота исми ўрнида «исми шариф» иборасини қўллаш ҳужжатчиликда расмий тус олиб кетди. Ҳолбуки, «исми шариф» -- ота исми дегани эмас. У ҳурматланаётган инсоннинг исмини шарафлаб айтиладиган шарқона илтифот иборасидир. «Исми шарифингиз» -- «шарофатли исмингиз» дегани, вассалом. «Исми шариф» -- бадиий маъно бўёғига эга ибора. Уни расмий услубда, яъни ҳужжатчиликда ишлатиш умуман тўғри эмас.

Давлат тили қонуни амалиёти оқсаётганининг сабабларидан бири — ўзбек миллий ҳужжатчилигининг ягона Давлат андозалари яратилмаганидир. Бу, албатта, жуда оғир вазифа. Чунки, аввало, бизда замонавий ўзбек миллий ҳужжатчилиги мактаби мавжуд эмас. Иккинчидан, етук ҳужжатшунос мутахассисларимиз жуда кам. Ҳужжатчилик андозаларини яратиш эса ҳужжатшунос тилшунос билан ҳужжатшунос ҳуқуқшуноснинг ижодий ҳамкорлигини тақозо этади. Ҳарқалай, шундай кучларимиз бор. Гап уларни ишга сафарбар этиш, самарали ижодий ҳамкорликни ташкил этишда қолган.

Жой номларини янгилаш соҳасидаги давлат сиёсати талаб даражасида амалга ошмаяпти. 1996 йил май ойининг 31-кунида «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг махсус Фармойиши матбуотда эълон қилинди. Ушбу Фармойишда: **«Мамлакатимиз мустақиллигига беш йил тўлаётганига қарамай, ҳамон жойларда топонимик объектларнинг эски тузум ва коммунистик мафкурага хизмат қиладиган, халқимизнинг тарихи ва миллий анъаналарга боғлиқ бўлмаган номлар мавжуд. Булар истиқлол мазмун-моҳиятини тушунмасликдан, миллий мафкура ва миллий ғурур сусткашлигидан, баъзан эса масъулиятсизлик ва бефарқлик иллатлари туфайли келиб чиқмоқда. Натижада, халқимизни янгича фикрлаш ва яшашга ўрганаётган бир пайтида мустақиллик ғояларидан чалғитмоқда»**. Шунингдек, Фармойишда ҳокимиятлар, улар қошидаги топонимия комиссияларининг етарли даражада фаолият кўрсатмаётгани танқид қилинади. Фармойишнинг 4-моддаси, 2-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига 1996 йил 1 сентябргача ўзгартириладиган топонимик объектлар номларини ўзгартириш ва уларга ном беришда тарихий, миллий, табиий ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш, кишилар шарафига қўйилган барча номларнинг белгиланган қоидалар ва мақсадларига мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш топширилган эди. Фармойишдан сўнг ҳокимликларда бир оз жонланиш бўлди. Ўша кунлари бир ҳокимиятдаги топонимия комиссияси мажлисига чақириб қолишди. Кўча номларини ўзгартиришга бир кимёгар домлани мутасадди қилиб қўйишибди. Домла баҳоли қудрат ҳаракат қилиб, анча изланиш олиб борган. Лекин, кўча номларини ўзгартириш ҳақидаги баъзи хулосалари антиқа. Мана, улардан бир шингил: «Чапаев кўчаси. Чапаев -- чавандоз бўлган. Демак, кўча номини «Чавандоз», деб ўзгартирсак, маъқул бўлади. У кўча аҳолиси ўрганган талаффузга ҳам яқин... «Зоя Космодемянская» кўчаси. Хўш, Зоя Космодемянская ким бўлган? У -- улуғ ватан урушида ҳалок бўлган ҳур қизлардан. Демак, кўчанинг номини «Ҳур қизлар» қўямиз». Бироқ, домланинг бу мантиғи Фармойиш моҳиятига тўғри келмас эди. Чунки, унинг ислоҳи кўча номларининг фақат шаклини ўзгартириб, «эски тузум» ва коммунистик мафкурага мойил моҳиятини сақлаб қолади.

Фармойишдан сўнг бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Ҳамон пойтахт Тошкент кўчаларида эски тузум ва мустамлакачилик мафкурасига хизмат қилувчи, масалан, ўн тўрт Туркистон комиссари номлари сақланиб турибди. Кезсангиз, Шпильков, Леваневский, Дубицкая каби қатор кўча номлари «мана-ман» дея олдингиздан чиқади. Ўзбекистон мустақиллигининг олтинчи йили байрам қилинган кунлари Ўзбекистон миллий боғининг ёнгинасида эски «Большевик» кўча номи осиғлиқ турганини қандай тушуниш мумкин? Бундай ҳоллар истиқлол мазмун-моҳиятини тушунмасликми, миллий мафкура ва миллий ғурур сусткашлигими ёки масъулиятсизлик ва бефарқликми? Ҳа, Фармойиш эълон қилингунга қадар шундай эди. Ва бу иллатлар Фармойишда таъкидланганди. «Донога ишора, нодонга калтак» эди у. Энди-чи, бу ҳужжат эълон қилингандан бир йилдан ортиқ вақт ўтганидан кейинги бундай ҳолни қандай баҳолаш мумкин?! Ҳуқуқий давлат қураётган чоғимизда ҳукумат Фармойишини йиллаб пайсалга солиш инсофга тўғри келадими?!

Кўчанинг табиий тузилишидан келиб чиқиб номлаш ҳам оқилона тартибга тушмаган. Масалан, «Шодиев 3-тор кўчаси». Эски тузум анъанасига кўра, «тор кўча» атамасини маҳкам ушлаб олишган. Ваҳоланки, бу кўча тор эмас, кенг. Аммо, калта. Нега энди уни табиий шароитидан келиб чиқиб, «калта кўча» деб сифатлаш мумкин эмас? Хивадаги минор бўй-бастига қараб, Калта минор деб номланган-ку!

Мазкур қарорнинг 5-моддаси, иккинчи бандида: **«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шахсларнинг ҳаёт чоғида номини бирор жойга қўйишга ҳамда абадийлаштиришга рухсат берилмайди»**, деб таъкидланади. Ҳаётда эса кўплаб кичик корхона ва дўконлар пайдо бўлмоқдаки, улар очилиб, халққа ҳали бирор ой хизмат кўрсатмасиданоқ эгалари дўконлари пешонасига ўз номларини катта қилиб ёзиб қўймоқдалар. Бу ҳуқуқий жиҳатдан нотўғри бўлишидан ташқари, миллий маданиятга ҳам, маънавиятга ҳам асло тўғри келмайди. Бу миллий худбинлик ва худнамоликдир. Бундай хусусий дўкон ва корхоналар ҳокимликлар орқали расмийлаштирилар экан, маъмурлар Давлат тили ҳақидаги қонундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий-маънавий жиҳатдан ёндашиб иш тутсалар, яхши бўларди.

Кўриниб турибдики, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ҳаётга тўла-тўкис татбиқ этилмаётганига, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги сусткашликка кўпроқ бошқарув тизимидагилар сабаб бўлмоқда. Халқининг истиқболи, давлатнинг ривожи, мамлакатнинг равнақи, айниқса, уларга боғлиқ. Оддий одамларнинг ҳуқуқий саводи қониқарли эмас, албатта. Уларнинг кўпчилиги кундалик турмуш ташвишлари, ҳаёт заҳматлари билан курашдан ортмайдилар. Давлат тили сиёсатини амалга ошира бориб, оддий омманинг ҳақ-ҳуқуқини юзага чиқариш ҳам, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳам бошқарув тизимининг муқаддас бурчидир.

**Нусратулло Атоулло ўғли ЖУМАХЎЖА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Тил ва нутқ маданияти кафедраси мудири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

***Президентимиз «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида бўлганларида Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилгандан сўнг империяпараст кучлар бизни Ўзбекистондан ҳамма малакали кадр-мутахассислар кетиб қолиб, заводлар тўхтаб қолиши билан қўрқитмоқчи бўлганлигини эсга олиб, ўзбек халқи фарзандлари замонавий техника-технологияларни ўзлаштириш бўйича ҳеч бир миллатдан қолишмаслиги, заводларимиз узлуксиз ишлаб турганлигини фахр билан тилга олдилар.***

Ҳа, Ўзбекистон кимгадир муҳтож бўлиб, кимнидир чорлаётган йўқ. Ва бировни кўкрагидан итарганини ҳеч ким эслай олмайди. Кетиш ҳам, келиш ҳам ихтиёрий.

Россиянинг баъзи газеталари мамлакатнинг ўз ички муаммолари қолиб, МДҲ давлатларида инсон ҳуқуқлари, рус тилида сўзлашувчи миллатлар ҳимоячилигига даъво қилишади. Тўғри, ушбу мавзуларда ёзишни ҳеч ким таъқиқлаб қўйгани йўқ. Аммо ушбу мавзуни ўзларининг сиёсий мақсадларига буйсундиришга уриниш, фактларни нотўғри талқин қилиш, кўп ҳолларда ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиш уларнинг нияти самимий эмаслигини кўрсатмоқда.

## МУНОСАБАТ

# СИЙЛАНГАН ЖОЙИДА АЗИЗДИР ИНСОН

Яқинда Россия давлат телевидениеси «Вести» кўрсатувида намойиш қилинган бир воқеа кишини ҳайратга солди. «Мемориал» ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамоат ташкилоти ўтказган йиғилишдан тайёрланган мазкур репортажда шундай фактлар келтирилдики, буларнинг барчаси демократик Россияда бўлаётганлиги тўғрисида, бошқа жойларда худди шу тахлит воқеалар рўй берса, бир овоздан жўр бўлишиб муносабат билдирадиган «мустақил рус матбуоти»нинг сукут сақлаганлиги кишини таажжубга солади. «Мемориал» ташкилоти вакили, таниқли ҳуқуқшунос С. Ковалёвнинг айтишича, Краснодар ўлкасида қабул қилинаётган қонун ва қарорлар рус миллатига мансуб бўлмаган барча бошқа халқларга қарши қаратилган. Ҳатто ўлка губернатори матбуот орқали яҳудийларнинг тезроқ Исроил ва АҚШга жўнаб қолишини талаб қилган. Ўлкада қабул қилинган қонунлардан бирида Краснодар фақат рус ва казакларнигина тарихий юрти, бу ерда бошқа миллатларга жой йўқ дейилиши, одамни сескантиради, дейилади ушбу хабарда. Ҳозир ўлкада қочоқларни уй-жой билан таъминламаслик, уларга иш бермаслик сиёсати юргизилмоқда. Жумладан армани, қрим-татар, месхети-турклари, озарбайжонлар, украин ва яҳудийларни ўлкадан ҳайдаб чиқариш, уларни яшаш жойидан рўйхатдан ўтказмаслик, ишга қабул қилмасликка уриниш тобора авж олмоқда, дейилади, мазкур хабарда.

Худди шу ўринда бундан бир-неча йил бурун «МММ» молия пирамидаси рекламалари «телечўққи»га чиққан пайтларда, одамларни лақиллатиб, кўпроқ пулини шилиш ниятида ўйлаб топилган бир реклама ролиги эсга тушади. Узоқ йўллардан гадосифат кўринишдаги одамлар оқими гўё Россия томонга оқиб келмоқда. Тўда ичидан бир бечораҳол аёл ажралиб чиқиб, қўлини садақага тутади ва «бизлар қочоқ»лармиз, аҳволимиз хароб, хайр қилинг» деб фарёд қилади. Худди шу пайт экранда «МММ» ёзуви ва белгиси кўриниб, салобатли овоз халққа мурожаат қилиб, пулларингизга бизнинг акцияларимизни сотиб олинг, тушган даромадга қочоқларга ёрдам берилади, деб навбатдаги афсонани одамлар миясига қуяди. Бугун «бечораҳол қочоқларга» деб йиғилган пуллар кимнинг жиғилдонига тушганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бир пайтлар одамлар фожиасидан ҳам ҳаром пул ишлаш йўлини топган, одамлар, эндиликда айни шу кишиларни Россия ҳудудидан ҳайдашга даъват қилишаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бир қарасангиз, чиркин манфаат учун «ҳимоячи», бир қарасангиз айбни бошқаларга тўнкаб, «рус ерларини бошқа миллатлардан тозаловчи» бундай кимсаларнинг асл ниятлари нима эканлигига сира тушунолмай қоласиз. Қочоқлар ҳимоясига бел боғлаган «азаматлар» Краснодар ўлкасида бўлаётган воқеаларни наҳотки кўришмаётган бўлсалар? Қани уларнинг «меҳр-мурувватга» тўла овозлари?

Вақт — энг олий ҳакам, дейишади. Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида инсон ҳуқуқлари ва рус тилида сўзловчи халқлар ҳақ-ҳуқуқларини пеш қилиб, Ўзбекистон шаънига ёғдирилган ёлғонларни ҳамма эслаcа керак. Ўшанда узоқ-яқин ғанимларимиз ёш, мустақил давлатимизни жаҳон жамоатчилиги назарида обрўсизлантиришга уринган эдилар. Аммо Ўзбекистон раҳбарияти бундай тажовузларга ўзининг оқилона сиёсий йўли, узоқни кўзлаган инсонпарвар сиёсати билан муносиб жавоб берди. Миллатидан, диний эътиқодидан қатъий назар, барчанинг қонуний ҳуқуқлари Конституциямизда кафолатланди. Мамлакатимизда қонунлар доирасида барча халқларнинг тенг ҳуқуқли яшаши, меҳнат қилиши, билим олиши, сайлаш ва сайланиши, маданиятини ривожлантириши учун эркин ижтимоий-сиёсий муҳит яратилди. Бугун юртимизда қабул қилинаётган қонунларимиз халқаро талабларга мос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси БМТ, ЕХҲТ ва бошқа жаҳон миқёсидаги ташкилотларга аъзо бўлиб кираётган вақтида олган мажбуриятларига тўла мутаносибдир. Энг асосийси, Ўзбекистон халқларининг бирлиги янада мустаҳкамланиб, мамлакатда миллий тотувлик, ижтимоий барқарорлик ҳукм сурмоқда. Шу бois бўлса керак, Ўзбекистон бугун одамлар хотиржам, келажакка ишонч ва умид билан яшаётган юртга айланди.

***Жалолиддин САФОЕВ,***
**«Халқ сўзи» шарҳловчиси.**

# ГАНДИ НОМИДАГИ МУКОФОТ СОҲИБИ

1997 йил учун Ганди номидаги Тинчлик мукофотини олишга Герхард Фишер (Германия) номзоди тасдиқланди. Етмиш олти ёшли, немисларнинг «инсоният элчиси» деб тан олинган доктор Г. Фишерни ушбу мукофотга Ҳиндистон Бош вазири И. К. Гужрал раислигидаги нуфузли ҳайъат муносиб деб топди. Ганди ғояларини бутун дунёга ёйишга кўмаклашишга хизмат қиладиган мазкур соврин 1995 йилда таъсис этилган эди. 1995 йил Ганди номидаги Тинчлик мукофотига Танзания собиқ Президенти, доктор Жулиус К. Ньерер, 1996 йилда эса шри-ланкалик олим, доктор А. Т. Арияратн сазовор бўлган эди.

# ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

АҚШ Давлат котибининг иқтисодий ва бизнес масалалари бўйича ўринбосари Стюарт Айзенстат Президент Клинтон маъмурияти Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кучайтириш ҳақида сиёсий қарор қабул қилди, деб баёнот берди. Бундай сиёсат бизнинг миллий манфаатларимиз талабларига мос тушиб, ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан биридир, — деди Давлат котибининг ўринбосари.

**(Газетанинг навбатдаги сони 7-ноябрь, жума куни чиқади)**



*Ойдан ҳусн олди, қуёшдан кулги,*
*Юлдузлар ўйнайди гул нигоҳида.*

*Боқсак дилларимиз сеҳрга тўлди,*
*Яратган асрасин ўз паноҳида.*

**Рустам ШАГАЕВ сурат-лавҳаси.**


*Европа андозаларидаги лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона қўшма корхона*

*“Лок колор синтез”*
*таклиф қилади*

**УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАР,**
*деворлар ва шифтлар учун*
**ФАСАД БЎЁҚЛАРИ**
**КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!**

**Тўлов тури — олдиндан.**
**Сезиларли сийлов тизими.**

**1998 йилга шартнома тузиш**
**1 октябрдан бошланади.**

СОТИБ ОЛАМИЗ: Сиккатив, флотореагент,
нурга чидамли яшил пигмент.
Олий маълумотли химик лак-бўёқчилар КЕРАК.

**Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35.**
**Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.**
**Факс: (371) 191-74-63.**

111


● *ЎТМИШДАН ХАБАРЛАР*

# «ХУМБУЗ ҚАЛЪА» СИРИ

Ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлаган қадимий Хива Хоразмда милоддгача мавжуд бўлган шаҳарларнинг бири, холос. Бу каби гавжум ва кўркам шаҳарлар атрофини, одатда, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва жуғрофик вазифалар тақозосига кўра, бошқа кўпгина қалъалар, иншоотлар, йирик ҳунармандчилик марказлари қуршаб туради.

Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан воҳанинг турли қадимий манзилгоҳларида археологик қазув ва тадқиқот ишлари олиб борган Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Россия Федерациясининг бир гуруҳ олимлари ана шундай хулосага келдилар.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Хоразм минтақавий бўлими раҳбари, тарих фанлари номзоди Шехназар Матрасуловнинг куни кеча таҳририятимиз мухбирлик қароргоҳига келтирган шов-шувли хабари олимлар тахмини замирида чин ҳақиқат ётганлигини тасдиқлади. Унинг таклифига биноан қазиш ишлари ўтказилган қадимий «Хумбузтепа» қалъаси харобаларини кўздан кечирдик. Аслида қалъадан ном-нишон қолмаган. Мавжуд харобаларнинг бир қисми эса ушбу минг йиллик бошларидаёқ ер остида қолиб кетган. Тахминларга қараганда, асосан ҳунармандлар яшаб, меҳнат қилган бу қалъанинг каттагина қисмини асов Амударё ўз домига тортган. Дарё сувлари таъсирида емирилган кулол ўчоқлари, кўза, хум, товоқлар, бошқа уй-рўзғор идишларининг сон-саноқсиз қолдиқлари соҳил бўйлаб ва унинг ён-бағирларида уюм-уюм бўлиб ётибди.

-- Қадим Хоразмнинг асосий ҳунармандчилик -- кулолчилик маркази шу ер бўлганига энди шак-шубҳа йўқ, -- деди россиялик таниқли олима, профессор Лариса Левина.

-- Бу ҳам асосийси эмас, -- дейди профессорнинг хулосаларини тасдиқлаб Шехназар Матрасулов, -- куни кеча харобалар орасидан антик давр худоси -- Анахита ва шу пайтгача Ўрта Осиё ҳудудларидан топишга муваффақ бўлинмаган ёки йўқ деб ҳисоблаб келинган номаълум мусиқа асбоби ва мусиқачининг сопол ҳайкалчалари топилди. Афтидан, бу ҳайкалчалар қалъадаги кулолчилик ўчоқларида пиширилган. Барча топилмаларни эса санаб-саноғига етолмайсиз.

Қорақалпоғистонлик тарихчи олим, профессор Мирзамурод Мамбетуллаев ўтказган тадқиқотлар натижаси эса янада муҳим.

-- Биласизки, ислом динида ёлғиз Оллоҳгина тан олинади. Одамлар исломни қабул қилгач, ҳайкал ва ҳайкалчалар ясаб, уларга худо каби сиғиниш ҳолатларига барҳам берилган. Демак, қазишмалар чоғида топилган иккала ҳайкал ҳам исломгача мавжуд бўлган минг йилликлар маҳсули. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, тош санамларга сиғиниш урфи минтақамизда эрамизгача бўлган охирги минг йилликнинг ўрталарига келиб сўна бошлаган. Одамлар бу даврда тош ҳайкалларни ясамай қўйишган. Шуларни инобатга олсак «Хумбузтепа»дан топилган Анахита ва мусиқачи ҳайкалининг ёши 2600--2700 дан кам эмас.

Олимларнинг қадимий Хоразм қалъаларидаги қазиш-тадқиқот ишлари халқимиз ва диёримиз кечмиши саҳифаларини тубдан бойитиб, унга жиддий тузатиш ва ўзгартишлар киритиши шубҳасиз. Аммо нима бўлгандаям биз Марказий осиёликлар ўзоқ ўтмишда ҳам бой ва маданий турмуш кечирганимиз, тараққиётнинг юқори чўққиларига етишганимиз, замондошларимиз эса ота-боболаридан суяк тортиб, буюк ва қудратли давлат барпо этишаётганини, фан-техника, ижтимоий турмуш, сиёсат ва иқтисодиёт бобида оламшумул ютуқлар изидан боришаётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Тошкентдаги омбордан
**ҚЎРИҚЛАШ МОСЛАМАЛАРИ ТИЗИМИ**

Vinlad

- Ўзбекистонда татбиқ этишга рухсат берилган;
- беш йиллик кафолат;
- замонавий услуб, оддий монтаж;
- окилона нархлар, сийлов тизими.

C&K SYSTEMS

Монтаж ишлари олиб борувчи ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз. Vinlad

Манзил: Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 18-уй.
Тел.: (3712) 50-46-13, 50-99-13.

181



ХАЛҚ СЎЗИ — НАРОДНОЕ СЛОВО

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 133-57-34;*
*Хатлар 136-55-39;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;*
*Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;*
*Маънавият 136-35-60;*
*Тунги муҳарририят 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0670, 34.126 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Навбатчи муҳаррир —М. Сафаров.
Навбатчи —Т. Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6